



**PRIME AUDIT  
ADVISORS**  
AUDITORLIK TASHKILOTI

+998 77 754 44 14  
+998 95 277 72 88  
nurmuhammad.xomidov.86@gmail.com  
Toshkent shahar, Qatortol  
ko'chasi, 60-uy  
@Nurmuhammad\_Xomidov

H/R: 20208000300903801001, ATB "Ipak Yo'li"  
MFO: 01036, INN: 305672276, OKED: 69202

**“NAVOIYAZOT” АЖнинг 2025-йил якуни бўйича самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари, самарадорликнинг йигинди кўрсаткичлари ва уларнинг бажарилиши фойзаларининг ҳисобланган миқдорининг ҳисобланиши юзасидан**

## ХУЛОСАСИ

29 апрел 2026 йил

Навоий шаҳри

Текширув субъекти ҳақида маълумот

Таъсис ҳужжатларига асосан тўлиқ фирма номи:	“NAVOIYAZOT” акциядорлик жамияти
Почта манзили:	210109, Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси-5
Телефон/факс:	+998792291827
Реквизитлари:	22626000900429662003 СКБ бош офиси МФО 00440 СТИР 200002933

Текширувни амалга оширган ташкилот ҳақида маълумот

Ташкилот номи:	МЧЖ шаклидаги «PRIME AUDIT ADVISORS» аудиторлик ташкилоти
Юридик манзил:	Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси 60 уй
Баҳолаш ўтказишга асос:	2026 йил 17 апрелдаги К1119759-сонли шартнома (лот № 26321125089593)
Шартнома предмети:	2025 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабргача бўлган давр учун «NAVOIYAZOT» АЖ Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш

МЧЖ шаклидаги «PRIME AUDIT ADVISORS» аудиторлик ташкилоти томонидан бўйича давлат улуши 50%дан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларида самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари, самарадорликнинг йигинди кўрсаткичлари ва уларнинг бажарилиши фойзаларининг ҳисобланган миқдорининг ҳисобланиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Қонун, Аудиторлик фаолиятининг Миллий стандартлари, корхона, ташкилотларда аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисидаги амалий қўлланмалар, ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонун, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 28.07.2015 йилдаги 207-сон Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти

самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига асосан ўтказилди.

Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги Низомнинг Баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланиш ва уларнинг мониторинги банди 27-моддасига асосан ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги қуйидагича эътироф этилади:

СЙК миқдори 40 фоиздан кам бўлса — қониқарсиз;

СЙК миқдори 40 фоиздан 60 (ушбу даража ҳам қиради) фоизгача бўлса — паст даражада;

СЙК миқдори 60 фоиздан 80 (ушбу даража ҳам қиради) фоизгача бўлса — етарли даражада эмас;

СЙК миқдори 80 фоиздан 90 (ушбу даража ҳам қиради) фоизгача бўлса — ўртача даражада;

СЙК миқдори 90 фоиздан 100 (ушбу даража ҳам қиради) фоизгача бўлса — етарли даражада;

СЙК миқдори 100 фоиздан ошса — юқори даражада.

Бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун, шу жумладан уларда маълумотлари акс эттирилган бошланғич ҳужжатлар маълумотларининг ҳақиқийлиги, бухгалтерия ёзувлари ва ички назоратни тўғри юритилиши, ҳисоб сиёсатини тузиш ва қўлланиши бўйича мазкур хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

«PRIME AUDIT ADVISORS» АТ Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар Жамиятнинг самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари, самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичлари ва уларнинг бажарилишининг ҳисоб-китоблари ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли деб ҳисоблайди.

“Навоийазот” АЖнинг 2025-йил якуни бўйича тақдим қилинган самарадорликнинг асосий ва қўшимча муҳим кўрсаткичлари прогнози бажарилишининг ҳисобланиши қуйидагича бўлган:

N	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Балл	Режа	Амалда	% да бажарилиши	КПЭ
	A		B	C	D	E	$F = E \times B / 100$
<b>I. Самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари</b>							
1	Сотишдан олинган соф тушум режасининг бажарилиши (молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, қатор - 010)	млн. сўм	10,0	6 813 120,58	7 640 848,37	112,15	11,21
2	Соф фойда (зарар) режасининг бажарилиши (молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, қатор - 270)	млн. сўм	15,0	125 206,92	642 639,68	513,26	76,99
3	Активларнинг рентабеллиги	коэффициент	15,0	0,012	0,053	439,16	65,87
4	Маҳсулотнинг таннархини тушириш	%	5,0	71,51	76,49	106,97	5,35
5	Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси	%	5,0	75,40	75,36	99,94	5,00
6	Қоплаш коэффициенти (тўлов қобилияти)	коэффициент	5,0	0,56	1,84	328,39	16,42
7	Молиявий мустақиллик коэффициенти	коэффициент	5,0	0,83	2,09	252,82	12,64
8	Дивиденд ҳисоби	млн. сўм	10,0	40 549,33	40 549,33	100,00	10,00
9	Экспорт параметрларининг бажарилиши	млн.долл	5,0	130,40	135,97	104,27	5,21
10	Маҳаллийлаштириш кўрсаткичининг бажарилиши	млн. сўм	10,0	2 357 272,28	3 261 344,80	138,35	13,84
11	Инвестиция дастурининг бажарилиши	млн.долл	5,0	314,00	339,20	108,03	5,40

12	Хорижий валюталарнинг мустақиллик коэффициенти	коэффициент	5,0	0,29	0,18	159,23	7,96
13	Акциядорларнинг инвестиция даромади (TSR - Total Shareholders Return)	коэффициент	5,0	0,08	0,06	151,54	7,58
	<b>ЖАМИ</b>		<b>100</b>				<b>243,47</b>
<b>II. Самарадорликнинг қўшимча кўрсаткичлари</b>							
1	Солиқлар ва фоизлардан олдинги фойда (EBIT - Earnings Before Interest, Taxes)	млн.сўм	5,0	620 262,81	1 368 844,6	220,69	11,03
2	Солиқлар, фоизлар ва амортизациядан олдинги фойда (EBITDA - Earnings Before Interest, Taxes, Depreciation & Amortization),	млн.сўм	5,0	1 224 628,03	3 172 321,5	259,04	12,95
3	Харажат ва даромад нисбати (CIR - Cost Income Ratio),	коэффициент	5,0	0,81	0,89	109,50	5,48
4	Олинган капиталнинг рентабеллиги (ROCE - Return on Capital Employed),	коэффициент	5,0	0,010	0,05	471,21	23,56
5	Акциядорлар капиталининг рентабеллиги (ROE - Return On Equity)	коэффициент	5,0	0,045	0,20	437,76	21,89
6	Мутлоқ ликвидлик коэффициенти	коэффициент	15,0	0,068	0,36	521,40	78,21
7	Кредиторлик қарзларининг айланмаси	кун	15,0	135,21	87,47	154,58	23,19
8	Дебиторлик қарзларининг айланмаси	кун	15,0	19,68	13,00	151,31	22,70
9	Асосий воситалар амортизацияси коэффициенти	коэффициент	5,0	0,29	0,36	122,26	6,11
10	Меҳнат унумдорлиги	млн.сўм	10,0	817,02	965,97	118,23	11,82
11	Жамғарманинг қайтиши (фондотдача)	коэффициент	5,0	0,54	0,64	117,16	5,86
12	Энергия самарадорлиги	%	10,0	65,21	42,56	153,22	15,32
	<b>ЖАМИ</b>		<b>100,0</b>	<b>x</b>		<b>x</b>	<b>238,12</b>
	<b>Жами- самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари</b>		<b>100,0</b>	<b>x</b>	<b>x</b>	<b>x</b>	<b>240,80</b>

Жамиятнинг 2025-йил якуни бўйича самарадорликни асосий ва қўшимча муҳим кўрсаткичлари ҳамда йиғинди кўрсаткичларининг ҳисобланишини тўғрилиги молиявий ва статистик ҳисоботлар, бухгалтерия ва бошқа тегишли бўлимлар томонидан тақдим қилинган кўрсаткичларни асословчи маълумотлар асосида солиштириб кўрилди.

2025-йил якуни бўйича жамиятда самарадорликнинг асосий муҳим кўрсаткичлари прогнозининг бажарилиши 243,47%ни, қўшимча муҳим кўрсаткичлари прогнозининг бажарилиши 238,12%ни ёки самарадорликнинг асосий ва қўшимча муҳим кўрсаткичлари прогнози бажарилишининг ўртача йиғинди кўрсаткичи 240,8%ни ташкил этади.

Ушбу кўрсаткичларнинг тўғри ҳисобланиши тақдим қилинган ҳисобот ва маълумотлар асосида текшириб кўрилганда, “NAVOIYAZOT” АЖнинг 2025-йил якуни бўйича СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг тўғрилиги ҳамда самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичлари юқори даражада эканлиги аниқланди.

МЧЖ шаклидаги «PRIME AUDIT ADVISORS»  
аудиторлик ташкилоти директори:



Н.Н.Хомидов